51 (381)

2003 йил 17 декабрь

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Чармгарликларнинг чинакам жонкуяри.
- Кимё опа таклиф этади...

3
- «Беш» учун эмас, билим учун интилсак-чи?.
- Қадимда қадрланган жувози қоғози.

4
- Мардона бўлмоқнинг иложини топган адиб.
- Маҳаллада ҳам суд бўлса-чи?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Р.И.Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОГАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллади.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади.

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ нутқ сўзлади.

- Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислоҳотларни кенг кўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, авваламбор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб авваламбор юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислоҳотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди.

Бугунги кунда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар аввало инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвиш муаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш - барча раҳбарлар, халқ ишонч билдиргансиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият - аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроғи турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказаётгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, ғов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимигача ишни ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз. Юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимида ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида катта-катта ишларга бошқош бўлганини ҳали-бери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида - нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишларини - бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими - умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб таъкидлади Президентимиз.

Давоми 2 - саҳифада

Суратларда: сессиядан лавҳалар.

А.ТЎРАЕВ, Т.НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

«Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

- давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, якка-ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, авваламбор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;

- юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳолиқудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;

- одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;

- меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқароларо тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;

- жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Нурмуродов) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О.Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.

4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда «Фуқаролар йиғинлари тўғрисида»ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз таклиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси «Меҳр ва мурувват йили»нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь

Тошкент вилояти

ЖАМҒАРМА БЎЛИНМАСИ ОБУНА ЖОНКУЯРИ!..

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 44 та маҳалла учун «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси томонидан «Mahalla»газетасига келаси йил учун тўлиқ обуна уюштирилди.

- Маълумки, маҳаллалар фаолияти йўналишида кўмаклашиши, зарур қонун ҳужжатлари билан таъминлаш «Маҳалла» эамғармаси вилоят, туманлар ва шаҳарлардаги бўлим ва бўлинмалари зиммасидаги низомий вазифадир. Бу ўринда ўринда «Mahalla» газетасининг маҳалалларнинг ҳам, жамғармаларнинг ҳам фаолиятига кўрсатаётган ёрдами беқиёсдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, юқорида таъкидланганидек шаҳримиздаги маҳалаларимизга зарур маълумот ва ахборотлар ўз вақтида етиб боришини таъминлаш мақсадида шаҳримизда мавжуд 44 та маҳаллани жамғармамиз ҳисобидан «Mahalla»га газетасига йиллик обуна қилишга қарор қилдик. Бу таклифимиз шаҳримиз ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Ва айниқса маҳаллаларимиз фаолияти учун фойдали бўлган бу тадбирни кечиктирмай амалга оширдик - «Mahalla» газетасига 47 та йиллик обуна бўлдик, - дейди Чирчиқ шаҳри Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Д.Норматов.

«Mahalla»га обуна бўлдик!..

Фарғона вилояти

...ЖУМЛАДАН, МАҲАЛЛА КОТИБАСИ ҲАМ!

Бизнинг Чуваланчи маҳалламиз Бағдод туманидаги шу номли қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфига киради. Маҳалламизда 2552 нафар аҳоли яшайди. Ўтаётган Обод маҳалла йили биз учун жуда қувончли воқеаларга бой бўлди. Туман миқёсидаги кўпгина тадбирлар маҳалламизда ўтказилди. Шу тадбирлар қаторида йилнинг ўн биринчи ойини «Обуна-2004» деб атадик ва шу борада, жумладан, «Mahalla» газетасига обуна бўлишни маҳалладошларимиз ўртасида тарғибот қилдик. Ҳозиргача маҳалламизда 11 нафар фуқаро севимли нашримиз - «Mahalla» газетасига обуна бўлди. Обуна эса ҳали давом этмоқда.

Ўғилой ҚУРБОНОВА,
Чуваланчи маҳалласи фуқаролар йиғини котибаси.

Таҳририятдан

Дарҳақиқат, нафқат Фарғонанинг Чуваланчи маҳалласида, балки юртимизнинг барча ҳудудларида обуна давом этмоқда!

Чуваланчи маҳалласи эса «Mahalla» газетасига ўнтадан ортиқ обуна уюштириб, таҳририятимизнинг мукофоти соҳиби бўлди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ЕИ: СИЁСИЙ ИНТЕГРАЦИЯ БИРОЗ КЕЧИКАДИ

Дунёдаги энг йирик ва энг самарали фаолият юритаётган иқтисодий уюшма бўлмиш Европа Иттифоқининг «сиёсийлашуви» бироз кечикадиган бўлди. Белгия пойтахти Брюсселга йиғилган ЕИга аъзо ва унга қабул қилиниши режаластирилаётган мамлакатлар раҳбарлари иттифоқнинг умумий конституцияси бўйича бир тўхтамга кела олмади.

Ўтган шанба кечқурун Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн қўлга олингани ва у билан боғлиқ янгиликлар бошқа хабарларни четга суриб қўйди. Шу сабаб бўлса керак, ЕИнинг Брюссел саммити натижалари, иттифоқнинг истиқболлари билан боғлиқ хабарлар, қарашлар, фикрлар бироз кечикди.

Иттифоққа аъзо 15 ва 2004 йил 1 май куни унга қабул қилинажак 10 мамлакат раҳбарлари иштирок этган мазкур саммит ЕИ тарихидаги энг зиддиятли, баҳс-мунозараларга бой учрашув бўлди. Зиддиятли бўлганининг сабаби шуки, Брюссел саммитида иттифоқ қиёфасини бутунлай ўзгартириш, яъни умумий конституцияни қабул қилиш орқали уни иқтисодий уюшмадан сиёсий уюшмага айлантириш масаласи ҳал қилиниши керак эди. Баҳсларга бой бўлишига эса аъзо ва номзод мамлакатлар орасида яқдилик бўлмагани сабабдир.

12-13 декабр кунлари бўлиб ўтган саммитда ЕИ умумий конституциясининг охирги лойиҳаси қабул қилинмади. Унга Испания ва Полша вакиллари қарши чиқди. Улар ҳужжат матнига киритилган ўзгаришлардан норози эканини айтиб, якуний ҳужжатга имзо чекмаслигини маълум қилди. Бу икки мамлакат вакилларининг фикрича, конституция матнига киритилган ўзгаришлар ЕИнинг кўп сонли аҳолига эга бўлган аъзоларининг нуфузини ҳаддан ташқари ошириб юборади. Бу эса иттифоқ доирасидаги тенг ҳуқуқлиликка путур етказади.

Айтиш жоизки, ЕИ конституциясининг илк лойиҳаси 2000 йили Ницца шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда қабул қилинган эди. Бу ҳужжатда иттифоқ аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги айтилиб, саммитнинг барча иштирокчилари уни яқдилик билан қабул қилганди. Орадан вақт ўтгач, ҳужжатни такомиллаштириш жараёнида унга қатор ўзгаришлар киритилди. Ниҳоят, шу йил октябрда иш бошлаган ЕИ мамлакатларининг ҳукуматларараро конференциясида конституция лойиҳасидан иттифоқнинг кўп сонли аҳолига эга бўлган мамлакатларига алоҳида имтиёзлар бериш тўғрисидаги ўзгаришлар жой олди. Бу Испания билан Полшанинг норозилигига, пировардида эса Брюссел саммитининг муваффақиятсизликка учрашига сабаб бўлди.

Очиғини айтганда, Брюсселга келган иштирокчиларнинг аксарияти якуний ҳужжат имзоланишига ишонмаган эди. Шу сабаб ҳам учрашувдан кейин айтилган гапларда, билдирилган фикрларда асосий диққат келажакдаги режаларни муҳокама қилиш, мавжуд зиддиятларни йўқотиш лозимлигига қаратилди. Хусусан, Франция президенти Жак Ширак ва Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг фикрича, саммит қатнашчилари асосий мақсадга эриша олмаган бўлсада, бу Европа Иттифоқининг инқироз домида эканини англатмайди. Уларнинг айтишича, ЕИни кенгайтиришга тайёргарлик режадагидай кетмоқда. Бундан ташқари, Т.Блэр, тўлиқ такомиллашмаган ва зиддиятларга бой ҳужжатни қабул қилгандан кўра, бироз кутган маъқул, деган фикрни айтди.

Европа Иттифоқига раислик қилаётган Италия бош вазири Силвио Берлусконининг айтишича, Брюссел учрашуви давомида конституциянинг 82 банди бўйича зиддиятларга барҳам берилди. Шу сабаб саммитнинг муваффақиятсизлиги тўғрисидаги гаплар анча нисбий. Шу билан бирга, Италия бош вазири 2004 йил январидан ЕИга раислик қилувчи Ирландия бошчилигида мавжуд қарама-қаршиликлар йўқотилишига умид билдирди.

Ирландия вакиллари эса конститутциянинг якуний лойиҳаси 2004 йил март ойида бўлажак учрашувларда қайта муҳокамага қўйилишини маълум қилди.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давоми. Аввали 1-саҳифада

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жабҳаларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охирги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади. Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидоийлари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш - бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шуни айтиш керакки, Самарқанд аҳли - бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими - бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

Янги раҳбарга **биринчи талаб** шуки, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму шижоатини сўндирмасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бош-қош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

Иккинчи талаб - вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини эл-юрт ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга **учинчи талаб** - шу ҳақиқатни яхши англаб, авваламбор мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор, деди Президентимиз.

Истиқбол деганда, биз аввало мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболини ўйлаб, ёруғ елажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлиғини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

Истиқбол деганда, биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутиши лозим.

Истиқбол деганда, биз аввало қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгалик туйғусини қарор топтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тариқа қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши айниқса муҳим. Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчиларда - у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик аломатларини, ижланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши даркор.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Аксинча, янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтқазишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни урғу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳалибери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак. Сода қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов номзодини таклиф этаман.

Шу ўринда Президентимиз йиғилганлар эътиборини яна бир масалага қаратди.

Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал харфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз. Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёларнинг хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам мўътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор мўъжиза десак, асло хато бўлмайди. Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга қурби, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда униб-ўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади, деди пировардида Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинлангани муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Самарқанд давлат университети ректори лавозимида ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А.Оллоёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Ф.Тўхтапўлатова, Нарпай тумани ҳокими А.Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Нуруллаев, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О.Ўроқова, «Зарафшон» нашриёти директори Х.Бобомуродова ва бошқалар вилоят аҳли Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг шуҳратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

(ЎзА)



Андижон вилояти

Тежамкорлик — давр талаби. Айниқса, табиий бойлигимиз — зангори оловдан тежаб фойдаланиш, хонадонларга газ ўлчагич асбобларини ўрнатиш долзарб масаладир. Бу борада Андижон туманидаги «Uzmetertech Co» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган газ ўлчагич асбоблари соҳа мутахассислари фаолиятида қўл келмоқда. Қолаверса, корхона маҳсулотининг истеъмолчига ўз вақтида етиб бориши борасидаги ишларга туман ҳокимлиги катта эътибор қаратмоқда.

Суратда: Андижон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ҳасан Назаров «Uzmetertech Co» қўшма корхонасининг илғор ишчиси Иброҳимжон Азимов билан янги асбобларни кўздан кечирмоқда.

Сурат муаллифи Тоҳирхон ҲАМРОҚУЛОВ.

МАНҒИТОБОДНИНГ "МАРЖОНА"СИ БОР

Кўпчилик пастдарғомликлар Манғитобод маҳалласи деганда иқтидорли, эзгу ишлар йўлида тиниб-тинчимас онахонлар ташаббуси билан тузилган "Маржона" фольклор дастасини кўз олдига келтирсалар, яна айримлар бу ердан Кўчқор Абдувоҳидов, Илмдор Турдиев каби кураш усталари етишиб чиққанини эслаб, "полвонлар қишлоғи" деб эътироф этишади.

2240 нафар киши истиқомат қилаётган бу мўъжаз маҳаллада иккита савдо дўкони, мактаб, тўртта тегирмон, иккита сартарошхона, чойхона, кутубхона ва этикдўзлик устахонаси халқ хизматида. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги 0,21 гектар бўш ётган ерга бозорча ва маиший хизмат мажмуалари қуриш ҳам режалаштирилмоқда.

Яқинда Манғитободда ҳам маҳалла фуқаролар йиғинини кенгашининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, маҳалла фаоллари ва бошқа вакиллар сўзга чиқиб, бугунги кунда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни муҳокама қилдилар ва ўзаро фикр алмашдилар. Айниқса, йиғилишда "Маржона" фольклор дастаси фаолиятининг кун сайин яхшиланиб бораётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Сайловда маҳалла аҳли муқобил номзодлар орасидан яна П.Юнусовга катта ишонч билдириб, уни маҳалла оқсоқоллигига қайта сайладилар.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

Наманган вилояти

Обод маҳалла йили тадбири

"ДИЁНАТ" ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг "Диёнат" газетаси Тошкент шаҳридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Газета мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларига тарқалади. У 22650 нусхада чоп этилмоқда.

Обод маҳалла йилида таҳририят Наманган вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Маҳалладан бошланар Ватан" мавзуида энг яхши мақолалар кўрик-танловини ташкил этган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги арафасида кўрик-танлов якунланди.

Голибларни аниқлашда миллий урф-одатларимиз, азалий қадриятларимиз бешиги бўлган маҳаллалар ҳаёти, ўзини-ўзи бошқариш органларида тинчлик-барқарорлик, оилалар мустаҳкамлиги, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёш авлод тарбияси, ободончилик ва фаровонлик борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар қай даражада ёритилганига эътибор қаратилди.

Шоир ва драматург Абдулла Жаббор "Мирзаали посбон" мақоласи учун 1-даражали диплом ва 100 минг сўм пул мукофотига муносиб деб топилди. 2-даражали диплом ва 75 минг сўм пул мукофоти ёзувчи Аҳмад Муҳаммад Турсунга "Ахсикент тонглари" мақоласи учун, 3-даражали диплом ва 50 минг сўм пул мукофоти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Исматулла Абдуллаевга "Ободлик орзуси" ҳамда "Ён қўшни - жон қўшни" мақолалари учун насиб этди.

Ўз мухбиримиз.

Хисобот маъқул бўлди

Чармгар - келгуси йили 2700 йиллиги нишонланадиган Қарши шаҳридаги энг кўҳна маҳаллалардан бири. Унинг таркибидан бир нечта янги маҳаллалар ажралиб чиқишига қарамай бу ерда айни вақтда 608 оила истиқомат қилади. Маҳалла аҳолиси ўзаро иноқлиги, меҳр-оқибатлилиги, жонкуярлиги, фидойилиги билан шаҳардагина эмас, бутун вилоятда ном таратган.

ЭЛ СЕНГА ТАЛПИНДИКИ...

Жорий йилнинг саккиз ойи ичида кўзни қувонтирадиган маҳалла гузари қурилиб фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этишда барча бирдек қатнашди. Оқсоқол Эркин Файзиев бош-қош бўлди. Н.Шукуров, И.Омонов, З.Файзиев, Б.Азизов бошлиқ оила аъзолари, тадбиркорларнинг ҳиммати билан 20 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугина эмас, уларнинг ҳиммати билан ҳисобот даври мобайнида кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилалар, ногиронларга озиқ-овқат, кийим-бош тарқатилди. Мўъжазгина спорт майдончаси қурилди. Мавжуд 10 та кўчанинг 9 таси таъмирланиб, асфалт ётқизилди, атрофларига ёритгичлар ўрнатилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ариқлар, футбол ўйингоҳи атрофи, хонадонларга 10 мингга яқин мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Маҳалла ҳудудида 2 та ўрта мактаб, 3 та савдо дўкони, 6 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 3 та ошхона, стоматология хонаси фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммасида маҳалла оқсоқолининг алоҳида ўрни, ташаббускорлиги сезилиб туради.

- Оқсоқолимизнинг одамийлиги, инсонпарварлигидан ибрат олса арзийди, - дейди олий тоифадаги шифокор Х.Турсунова. - У ўзида борини маҳалладошлари билан баҳам кўрадиган, ҳар қандай қалбга йўл топадиган инсон.

Биргина фуқаролар йиғини раиси хоҳиши, ҳаракати билан битмайдиган айрим муаммоларимиз ҳам бор. Ёзда сув, қишда газ тақчиллиги бизни қийнайди. Жазирама иссиқ кунлари айрим кўчаларга сув машиналарда келтириб турилади. Қишнинг совуқ кунларида газ ҳатто чой қайнатишга ҳам етмайди.

Яқинда маҳаллада ўтказилган ҳисобот сайловда фуқаролар йиғини раислигига уч номзод кўрсатилди. Улар эл орасида танилган, баобрў кишилар эди. Лекин маҳалла аҳли оқсоқолликка яна Э.Файзиевни танлашди.

- Маҳалладошларим ҳурмати, эъзозини кўриб розилик билдиришдан бошқа илож қолмади, - деди у. - Шундай вафодор, меҳр-оқибатли, мурувватли кишилардан меҳнатингни эмас, жонингни ҳам аямайсан, киши. Эл сенга қараб талпиндики, унинг қадрига етмоқ керак.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Меҳр ва мурувват элимизга хос хислат

Жиззах вилояти

ҲАР КИМНИНГ САВОБ ИШИ

Хайру саховат қилиш Асатулло Жабборовга отаси раҳматли Соат бободан ўтган одат. У тумандаги барча маҳаллалардан вакиллар йиғиб, ўз чойхонасида саховат кунини, иқтисоди ночорроқ оилаларнинг тўйларини ўтказиб берганини ҳали кўпчилик унутган эмас. Бу ишларни давом эттираётган Асатулло ота дуосини олган. У раҳбарлик қилаётган "Ғаллаорол" фермер хўжалиги пахта ва ғалла топшириш режаларини ортиғи билан бажаради. Даромад эвазига келган маблағ, буғдой, ундан кам даромадли оилаларга улашиб чиқади. Бу йил ҳам шундай бўлди. У маҳалла оқсоқоли Ҳабибулла Абсатовни хусусий тегирмонига бошлаб борди-да, бу қоплардаги унларни маҳалла аҳлига бўлиб беринг, деди. Шунингдек, у фахрийлар ва қарияларни, кам таъминланган оилалар ногиронлар аҳволидан тез-тез хабар олиб туради.

Туманда Асатуллонинг яна бир адаши ва касбдоши Асад Бердиқулов ҳам саховатпеша йигитлардан. У ногиронлар жамияти тадбирлари учун ҳар йили 4-5 тонна буғдой ажратади, зарурият бўлганда маблағ беради. Тумандаги "Шаҳрисабз", "Чимқўрғон", "Оққўрғон", "Қосим" фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам ана шундай саховатпеша кишилардан. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили қатор байрамлар, халқаро ногиронлар куни камчиликсиз нишонланади.

Ҳимояга муҳтож ва ногиронлар даволанишлари бўйича туман марказий шифохонаси бирмунча яхши ишларни амалга оширмоқда. Ётиб даволаниш учун алоҳида шароит яратилган, шифокорлар эса уларга беминнат хизмат қилмоқдалар. Туман ногиронлар жамияти йўлланмаси билан ўнлаб беморлар даволаниб чиқишди. Булардан ташқари шу йил Турсуной Мирзадуллаева, Тўра Эшонқулов, Худойдод Бобоқулов, эрхотин Ғужевлар - жами 41 нафар ногирон ва муҳтож кишилар вилоят соғломлаштириш маркази ва "Янгиер" сиҳатгоҳларида махсус йўлланмалар билан имтиёзли даволаниб қайтдилар.

Бу ишларни йўлга қўйишда "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси, ижтимоий таъминот бўлими, маҳалла раислари, туман шифохонаси ва ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

А.РАҲИМҚУЛОВ

Коммунал хизмат ва тўлов

Фарғона вилояти

ВЕЛОСИПЕДЛИ АГЕНТЛАР

Улар велосипедда юриб, жамғарма бўлинмасини машинали қилишди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 15 апрелдаги "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш янги босқичи тўғрисида"ги Фармонида коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминлаш ишига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам жалб этиш, коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан уларга шартнома асосида тушган тўловларнинг 10 фоизи миқдорида ажратмалар бериш кўзда тутилган.

Тан олиш керак, бундай имкониятдан барча маҳаллалар фойдалана олмаяпти. Сабабини сўрасангиз баҳоналар бисёр. Аммо бу борада Фарғона вилояти Данғара тумани маҳаллаларида иш бошқача.

Биз буни маҳаллаларда ички муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тўла ҳис этган ҳолда ишга дадил киришдик. Бу борада вилоят ҳокимининг 2002 йил 10 майдаги 210-сонли "Вилоят аҳолисидан тўланадиган коммунал тўловларни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ҳам амалий ёрдам бўлди. Тумандаги коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан 49 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида хизматлар ҳақи тўловларини тўплаш бўйича шартномалар тузилди. Туман тижорат "Халқ банки"да ўзимизнинг махсус ҳисоб рақамимизни очдик.

Ҳозирги кунда тумандаги коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Улар бир-бирларини тушунган ҳолда ҳамжиҳатлик билан ишлашяпти. Натижада ўртадаги шартномавий режа ой сайин бажарилмоқда. Бу борада Қашқар, Қорамулло, Абдулазиз ва Оқжар маҳалла фуқаролар йиғинларида ибратли ишлар қилинмоқда.

Маълумки, маҳаллаларда яшовчи фуқароларнинг кўпчилиги турмуш ташвишлари, кундалик иш билан банд бўлиб, ҳар доим ҳам "Халқ банки" муассасасига бориб, коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўлашга имкон топа олмайди. Бу мушкулни осон қилиш учун маҳаллаларнинг ҳаммасида тўловларни йиғувчи агентлар штати жорий қилинди. Йил бошида "Халқ банки" томонидан туман "Маҳалла" жамғармасига лизинг асосида ажратилган бир миллион икки юз минг сўм кредитга 13 та велосипед сотиб олинди. Бу янгилик тезда ўз самарасини берди. Жумладан, иш унуми деярли уч баробар ошиб, "Халқ банки"га ойига бир миллион тўрт юз минг ўрнига уч миллион беш юз минг сўм ва ундан ошириб нақд пул туширилмоқда.

Агентларимизнинг хурсандчиликлари ҳам бир олам. Улар велосипедни мининг олиб, бу қишлоқдан у қишлоққа, маҳалланинг у четидан бу четига бир зумда етиб боришяпти. Иш унуми ҳам юқори бўлмоқда. Масалан, Қашқар маҳалла фуқаролар йиғинида коммунал хизмат тўловларини йиғиш билан шуғулланувчи Шокиржон Отақўзиев пиёда юрган вақтида ойига 100-300 минг сўм атрофида коммунал тўлов пулини йиғиштирган бўлса, ҳозирги даврда 400-450 минг сўмдан йиғиштирмоқда. Энг қулай улов - велосипед билан таъминланган Муҳаммадамин Ҳусанов, Бахтиёржон Мамасолиев, Нуриддин Марасулов, Набижон Қобулчаев сингари агентлар ҳам елиб-югуриб ишлаб, ойига 360-380 минг сўмдан пул йиғиштириб, "Халқ банки" кассасига топширмоқдалар. Бундай илғор агентлар "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Ана шундай иш эвазига "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими "Матиз" машинаси билан тақдирланди.

Биз яқин орада барча агентларни велосипед билан таъминлаш чораларини кўряпмиз. Бунинг учун коммунал хизмат тўлови тушумини янада кўпайтирамиз.

Кимёхон ИМОМАЛИЕВА,
Данғара тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Андижон вилояти

Қишлоғимиз тарихидан

ХАРТУМЛИК «МЕҲМОН ВАЛИ»

Андижон тумани Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Заврок қишлоғида ҳам бир зиёратгоҳ гўша бор. Бу гўша доим зиёратчилар билан гавжум. Айтишларича, "Меҳмон вали" номи билан машҳур бўлган, осмонўпар чинор ва бақатераклар соя ташлаб турган бу сўлим манзилни фарзанд талаб бўлган ва дардга чалинган инсонлар келиб зиёрат қилишар экан. Мана тўққиз асрдан ошибдики, бу ердан инсонлар қадами узилмайди.

Хўш, Заврок адиридаги "Меҳмон вали" зиёратгоҳининг келиб чиқиш тарихи қандай? Нега бу жой "Меҳмон вали" деб юритилади?

Ривоятларга кўра, Маҳмуд ал-Фан исмли шариат ва тариқат илмининг пешвоси бўлган қашқарлик олим мелодий 991 йил 40 ёшида бу ерга келиб қолади. Табобат борасида ноёб истеъдоди билан ҳам танилган бу зотни Заврок аҳли "Меҳмон", "Вали" деб улуғлаганлар. Кейинчалик бу жой "Меҳмон вали" номи билан юритила бошлаган. Маълумотларга қараганда, у Заврок адири бағрида 50 йил яшаб, 90 ёшида оламдан ўтган ва шу ерга дафн этилган. Мана минг йилдан бери бу жой "Меҳмон вали" номи билан юритилувчи зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Бу жой йилдан-йилга обод бўлиб бораётир.

Бу йил унинг қабри саховатпеша кишилар ёрдамида қайта тикланди ва қабр устига даҳма қурилди. Эндиликда адирнинг пастлик қисмидан зиёратгоҳгача бўлган йўлга мармартош ётқизиш кўзда тутилмоқда.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

УСТОЗГА ТАЪЗИ ТАЪҚИБ ЎРНИГА МИ?

"Тарбия биз учун ё фалокат ё нажот йўлидир" - деганларида Абдулла Авлоний бобомиз юз карра ҳақ бўлган эканлар.

Яқинда ўртоғимни қидириб бир олий ўқув юрти даргоҳига бориб қолдим. Бир талаба институт ҳовлисида кетаётган домласини тўхтатиб, рефератини тутқазди. Домла уни ўз хонасида қабул қилишни айтди. Талаба шу ерда оласиз, деб оёқ тиради.

Ўқитувчи мажбурий ҳолатда рефератга кўз ташлай бошлади. Ўқитувчи талабага уни китобдан кўчириб олганини, ўз фикрини ёзиб келишини тайинлаб, ишини қайтариб бермоқчи бўлди. "Сизга нима фарқи бор, реферат бўлса бўлдида", - дея талаба унга иш "ўргатди". Домла рефератни қўлида тутганича донг қотиб қолди. Талаба эса хотиржам ўз йўлига равона бўлди.

Яна бир воқеа. Тузуккина тадбиркор киши коллеж ўқитувчисига боласининг якуний баҳоларини «аъло»га айлантириб бермаса, у билан бошқача гаплашишини айтиб, ўдағайлаган. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Бу сингари воқеаларнинг шоҳиди бўлавергач, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Назаримда, устозга нописанд муомалада бўлиш фақат осонгина талаба бўлганлар, ўқиш масъулиятини чуқур англамайдиган ёшлар ва уларнинг отаоналари қўлидан келади.

Искандар Зулқарнайннинг отаси шоҳ Филипп "Мен ўғлимнинг буюк жаҳонгир сифатида дунёнинг йирик-йирик давлатларини қўлга киритганидан эмас, Арастудек буюк олимнинг шогирди бўлганлигидан фахрланаман", деб айтган экан. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Гўри Амир мақбарасини қурдираётганида ўзи учун устозининг оёқ учи қисмидан жой қолдириб, "Қазо қилганимда мен учун чоҳни ёнимдагиларникидан ярим газ чуқурроқ қазинглар, токи дунёдан кўз юмиб ётганимда ҳам устозларим, шогирдларимни елкамда кўтариб ётай", - деб васият қилган эканлар.

Биз - бугуннинг ёшлари "Устоз - отангдек улуғ" деган нақлга амал қилаяпмизми? Назаримда олийгоҳларга билим олишга келган ёшларнинг кўпчилиги илм қолиб, баҳо кетидан қуваётгандай туюлади. Юқори баҳо қўйдириш учун юз хил йўлни қидириб типирчилаймиз. Бу билан биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз-ку! Наҳотки шуни англамаяпмиз?.

Ўз-ўзимизни алдаб, саводсизлигимизни яшириш орқали маданият ва маънавиятимизнинг ҳам ҳаминқадарлигини намоён этаяпмиз. Зеро, буюк келажакни фақатгина юксак иқтидорли, билимли, ақл-заковатли авлодгина қура олади.

Талабалар учун бир тузалмас азалий касаллик бор. Олти ой давомида мунтазам ўқиб бориш ўрнига сессия вақтида ухламасдан ўқиб, икки-уч кун мобайнида калласига кирган-кирмаган маълумотлар билан имтиҳон топширади. Ўзининг аҳволи шу бўлса, бу ёғига сохта "беш" учун курашиш талабага нима бераркин?

Бобомурод ОДИЛОВ.

Қашқадарё вилояти

Оқсоқол ибрати

"КЎПНИНГ ДАРДИ — МЕНИНГ ДАРДИМ"

Эшим ака Эшонқулов Чироқчи туманида қайси лавозимда ишламасин, одамлар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйди, яхши ва ёмон кунида уларнинг ёнида турди. Шу боис одамлар уни Чорвадор қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди. Ўнта қишлоқ Эшим ака бошлиқ фуқаролар йиғини тасарруфида.

Эл дардини ўз дарди деб билган Эшим ака ҳечам тиниб-тинчимайди. Ҳар куни ҳовлисида гоҳо отда, гоҳо пиёда, гоҳида эса машинада қишлоқларни айланиб, қариялар, II Жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз оналар ҳолидан хабар олиб келмаса кўнгли жойига тушмайди. Тўйлару, турли тадбирларда бош-қош.

— Қишлоқлар тарқоқ жойлашган, бу эса ишимизда бироз қийинчилик туғдиряпти, — дейди Э.Эшонқулов. — Бироқ ўнта қишлоқдаги ҳар бир хонадон соҳибини шахсан танишим, ким нима билан машғуллигини билишим ишимда қўл келяпти.

Профилактика инспектори, милиция майори Раҳматулла Омонов, посбонлар Ўсар Холиқов ва Музаффар Жуманазаров билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз ҳам ўзининг ижобий натижасини бераяпти. Улар билан бирга ёшлар ўртасида ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштиряпмиз. Шу туфайли ҳам бизда ёшлар ўртасида жиноятчилик, турли диний оқимлар таъсирига берилиш сингари салбий ҳолатлар йўқ. Эр-хотин ажрашиши, оилавий келишмовчилик камдан-кам учрайди.

Биз "Чорвадор" жамоа-ширкат хўжалиги раиси Ойназар Яхшиев билан келишган ҳолда қариялар, уруш қатнашчилари ва ёлғиз оилаларга 100 килограммдан бепул галла тарқатдик. Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони Ҳамид бобо Эшонқуловнинг уйини бепул таъмирлаб бердик.

Ҳар бир қишлоқда ҳашар йўли билан ёшлар учун оддий спорт майдончалари бунёд этилиб, ёшларни жисмоний чиниқтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришилаяпти.

Норбўта ҒОЗИЕВ.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун нафақат ўз вазифамиздан келиб чиқиб, балки турли жамоатчилик тадбирларини уюштиришимиз зарур, — дейди Ғузор тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Рустам Ҳаитов. Унинг ташаббуси билан туман ёшлари ўртасида «Гулшан» чим устида хоккей командаси тузилди. Бугина эмас, прокурор маҳаллалар аҳли ва мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Суратда: *туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Рустам ҲАИТОВ Наврўз маҳалласи ёшлари билан.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ғурур

Қорақалпоғистон Республикаси

МУЛКДОРЛАР КЎП БЎЛСА — ЭЛ КОРИГА ЯРОВЧИЛАР СОНИ ОРТАДИ!

Айниқса, бахтимиз қомусининг "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" бобидаги 36-моддада "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" деб алоҳида қайд этилганлиги ғоят муҳимдир. Чунки мулкдорлар сафи қанча кенгайса, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти тобора яхшиланаверади.

Мана, ўзимиздан қиёс: кичик корхона ташкил этганимизга ўн йилдан ошди, деҳқончилик қилаяпмиз. Асло кам бўлмадик. 27 та техника харид қилдик. Тўрт ўғлимни уй-жойли қилдим. Тўрттовида ҳам енгил автомашина бор.

Ушбу йилда пахта экилган 100 гектар ердан салкам 300 тонна юқори навли хом ашё сотдик. 10 гектардаги шолизорлардан гектарига 49 центнердан ҳосил йиғиб ўриб-янчиб олинди. Қолган 40 гектардаги кузги буғдой, жўхоридан ҳосилдорлик белгиланганидан ҳам юқори бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра 10 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишимиз кутилаяпти. Ички ариқ-зовурлар ёқасига экилган 10 минг туп теракларимиз ҳам фойдаланишга яраб қолди.

Йил сайин даромад кўпайиши саховатли юмушларни амалга ошириш имконини бермоқда. Овулдошларимизни тоза ичимлик суви билан таъминладик, яна бир-икки ҳафтадан кейин табиий газ ёна бошлайди. Ўз кучимиз билан ички йўлнинг 2 километрини қайта қурдик, мактаб биносини таъмирлаш учун бир неча юз минг сўм ажратдик. Келаси йил, насиб қилса бошланғич мактаб биносини қуриб бериш ниятидамиз.

Қанийди, бизга ўхшаган мулкдорлар янада кўпайса, эл-юрт ободлиги, фаровонлигига қўшиладиган ҳисса ҳам ортиб бораверар эди.

Рейимбой ЙЎЛДОШЕВ,
"Шуҳрат" медали соҳиби

Беруний тумани.

Олам турфа

СУДДА — ФИЛ

Осло шаҳрининг бир фуқароси филни судга берди. Воқеа бундай бўлганди: Циркда томоша кетаёган пайтда фил ифлос сувни томошабинлардан бирига сепиб юборади ва костюмини "расво" қилади. Афсуски гуноҳкор артистни суд залига олиб киришнинг иложи бўлмагач, у ҳайвон ўргатувчи билан кўчада қолди. Цирк директори эса судга кирди. Суд бошқарувчиси жабрланувчининг арзини тўғри топиб, костюмни тозалашга кетадиган пулни тўлашга қарор чиқарди.

ТОШБАҚА — ҚАМОҚДА

Гонгконгдаги дастлабки қамоққа олиш камерасига ёзда тошбақа келтирилган эди. Бу жонивор осмонўпар бинонинг юқори қаватларидан пастдаги йўловчининг бошига тушиб кетган. Тошбақанинг деразадан пастга ўзини ташлаганлиги ҳеч ақлга сиғмайдиган ишдир. Буни албатта, бирорта ёвуз ниятли одам амалга оширган бўлиши керак. Хўш, бу иш атайин қилинганми, ё тасодиф? Бу савол терговни олиб бораётган гонгконглик полициячиларнинг бошини жуда қотирди. "Тошбақа дастлабки қамоққа олиш камерасида то унинг эгаси топилмагунча ашёвий далил сифатида ушлаб турилаверди". Бироқ эгаси чиқмади. Шундай қилиб тошбақа ҳам маълум муддат қамоқда "ўтириб" чиқди.

СИНГАН ТИШ УЧУН... ТИШ СИНДИРИЛДИ

Омудурман шаҳрининг (Судан мамлакати) уч фуқароси ўзаро жанжаллашиб қолишди. Сўнг бу жанжал муштлашишга айланди. Натижада жанжалкашлардан бирининг тиши уриб синдирилди. У эса ким урганлигини аниқ билолмай икковини ҳам судга берди. Қизиғи шундаки, жабрланувчи суд чиқарган ажримларнинг бирортасидан ҳам қониқмади, яъни кечирим сўраш, ёки етказилган зарарни тўлаттириб олишга кўнмади. У суддан фақат битта нарсани талаб қилиб туриб олди — синган тиш учун айбдорларнинг ҳам тишини уриб синдиришни. Суд розилик берди ва бир муштумзўр шифокор томонидан икки айбдорнинг ҳам тиши уриб синдирилди.

Маҳалла ва ёшлар

Тошкент вилояти

БОЛАЛАР, БЎШ ВАҚТИНГИЗ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Биз Чирчиқ шаҳридаги Шодлик маҳалласида яшаймиз. Табиийки, йиғинимиз раиси Фахриддин Мамедов ва бошқа фаолларимиз амалга ошираётган ишлар бизни ҳам қизиқтиради. Маҳалла аҳлини айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия яхши йўлга қўйилгани қувонтиради.

Ҳудудимиздаги 15-мактаб билан ҳамкорликда юқоридаги мавзуда бир неча тадбир ўтказилиши тегишли самара берди. Масалан, унда гиёҳвандлик ва токсикомания каби иллатларнинг зарари, унга қарши кураш ҳамда уларнинг олдини олишда жамоатчилик, маҳалла-кўйнинг вазифалари хусусидаги фикр-мулоҳаза, таклиф-истаклар билдирилди. "Маҳалла-мактаб-оила" ҳамкорлигигина ушбу иллатни бартараф этишга ёрдам бериши, бунда албатта, маҳалла милиция таянч пункти ходимларининг иштироки кўзланган натижани бериши мумкин. Тадбирда қатнашган нарколог-мутахассислар эса гиёҳвандликнинг даҳшатли оқибатлари тўғрисида ошкора гапириб бердилар.

Иккинчи масала, бу ёшларни спортга кенг жалб қилишга бўлган саъй-ҳаракатлардир. Чунончи, йил бошидан буён маҳалламиз футболчилари ҳарбий қисмлар ва қўшни маҳалла жамоалари билан ўзаро мусобақалашиб келадилар. Мусобақаларга В.Сайнян ҳомийлик қилмоқда ва бир пайтнинг у ўзида спортчиларимиз мураббийси ҳамдир.

Ҳудудда болалар клуби ташкил этилгани ўғил-қизларнинг мактабдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу боисдан бўлса керак, шаҳар ҳокими ташаббуси билан "Маҳалла ва XXI аср бунёдкор ёшлари" шиори остида ўтказилган кўрик-танловда бизнинг маҳалламиз шаҳар миқёсида 1-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Р.КОВЛИК, Е.КВАРТЮК,
М.МИРАЛИЕВА

Тошкент шаҳри

УНИВЕРСИТЕТДА САЙЛОВ

Собир Раҳимов тумани Талабалар шаҳарчасидаги Университет маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ҳисобот-сайлов бўлиб ўтди.

Дастлаб маҳалла оқсоқоли Атҳам Эргашевнинг ҳисоботи тингланди. Ундан сўнг маҳалла тафтиш комиссияси раиси Шоҳруҳ Хўжаев сўз олиб ҳисоб қилди. Музокара учун сўзга чиққанлар ўтган йиллар мобайнида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилган тадбирларни қониқарли деб баҳолашини билдирди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Университет маҳалласида талабаларни моддий ва маънавий ҳимоя қилиш, ободончилик ишларига маҳалла ёшлари ва аъзоларини жалб қилиш борасида анчагина самарали ишлар амалга оширилди. Мисол тариқасида, кейинги икки ярим йил ичида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан талабалар билан ички ишлар ходимлари ўртасида 36 марта учрашув ташкил қилинганини айтиш мумкин. Маҳалладаги одатий юмушлардан ташқари маҳалла ҳудудида жойлашган талабалар уйлари атрофларини ҳам кўркамлаштириш, шунингдек, моддий жиҳатдан кам таъминланган талабаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар, жумладан талабаларнинг барчаси маҳалла оқсоқоли А.Эргашевнинг ўз ишига масъулият билан ёндошишини, мазкур маҳаллада жорий йилларда амалга оширилган барча тадбирлар бевосита у кишининг ташаббуси билан амалга оширилганлигини тилга олиб ўтишди.

Йиғилиш сўнггида маҳалла оқсоқоллигига номзодлар орасидан А.Эргашев яна ўз вазифасига қайтадан сайланди.

Лобар КАРИМОВА,
талаба.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ўт балоси

Доимо ота-оналаримиз бизни "қуруқ туҳматдан, бевақт ўлимдан, ўт ва сув балосидан асрасин" деб дуо қиладилар. Бироқ сўнгги пайтларда содир бўлаётган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини кузатар эканмиз, уларнинг табиий офат туфайли эмас, балки ўзимизнинг бепарволигимиз, эътиборсизлигимиз боис юз бераётганига гувоҳ бўламиз.

Мана масалан, биргина жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Мирзо Улуғбек туманида 216 та ёнғин содир бўлиб, натижада 3 нафар инсон умри бевақт хазон бўлди, 9 киши оғир тан жароҳати олди. Мамлакатимизга эса 1651714 сўм моддий зарар етказилди.

Содир бўлган ёнғинларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёнғиннинг асосий сабабчилари ўзимиз бўлиб, оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолатда тамаки маҳсулотлари чекиш, носоз ёхуд "қўлбола" электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, турли чиринди ва хазонларни ёқиш ҳамда газ ва электр асбобларини ноўрин ишлатиш бундай ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўринг. Айтайлик ёнғин оқибатида вайрон бўлган уй-жойларни йиллар давомида тиклашнинг имкони бўлар. Аммо эндигина ҳаётга қадам қўйиб, унинг сир-асрорини англаб етмаган мурғак болажонларимизнинг ёхуд мактаб остонасига не умидлар билан ҳатлаб ўтган фарзандларимизнинг ўз орзу-истаклари билан "тилсиз олов" тафтида ёниб битган умрларини қайта тиклаш мумкинмикан?

Шундай экан, ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш барчамизнинг вазифа ва бурчимиздир. Зеро, бурчимизга садиқлидан ёндашиб, вазифамизни аъло даражада бажарсак, уй имиздаҳ шодлик, қут-барака аримаслиги шубҳасиз.

Б.МИРЗАЕВ,
М.Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори.

Бир маскан тарихи...

КОНИГИЛ ВОДИЙСИ

бу водий неъматлари жаҳонга машҳур бўлган

У ўз даврида гил ва қоғоз ишлаб чиқариш ҳамда турли маданий тадбирлар маскани эди.

XV-XVI асрларда Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари янада ободлашиб, гўзаллашиб, жаннатмакон бир масканга айланди. Мана шундай оромбахш жойлардан бири Конигил майдони ҳисобланади. Қадимий ва тарихий воқеаларга бой Конигил майдони Самарқанд шаҳрининг Жануби-шарқида Чўпонота тепалиги атрофидаги Сайхон, ҳозирги Конигил қишлоғида жойлашган.

Қадимшунос олимларимизнинг маълумотларига кўра, Самарқандда кулолчилик қадимдан ривожланган бўлиб, қўли гул кулоллар тайёрлаган сифатли, пишиқ ва жарангдор сопол буюмларининг харидорлари кўп бўлган. Шундай қилиб, самарқандлик кулоллар сопол буюмларни ясашда асосий хомашёни мана шу гил конидан олиб ишлатганлар. Тарихий археологик маълумотларга кўра, милодимизнинг бошидан гил - яъни соз тупроқ, қизил кесак, сариқ тупроқ ва кулолчиликда ишлатиладиган бошқа тоза ва соз тупроқлар мана шу тарихий Конигилдан олинган. Бу жойдан олинган гил машҳур Афросиёб кулолчилигида кўплаб ишлатилиб келинган.

Ўрта асрлардаёқ Афросиёб кулолчилик маҳсулотлари ўзининг гўзаллиги, рангининг нафислиги, жарангдорлиги ва сифатлилиги билан Шарқ Ғарбда маълум ва машҳур бўлган. Мана шу жиҳатдан ҳам муҳим кулолчилик хомашёси кони ҳисобланган Конигил водийси Самарқанд ҳукмдорлари томонидан сирли сақланган ва бу жой қаттиқ назорат остига олиниб, қўриқланиб келинган. Мана орадан неча асрлар ўтиб, ҳозир ҳам самарқандлик кулоллар асрий анъаналарни давом эттириб, асосий хомашёни яъни гилни шу ердан олиб, сополсозликда ишлатиб келмоқдалар.

Буни қарангки, бу ер ҳақиқатдан ҳам Гилкони яъни Конигил экан. Қадимшунос ва тарихчи олимларимизнинг ёзишларича, "Конигил" номи 1255 йиллан бошлаб, биринчи марта тилга олинган. Конигил майдонининг узунлиги икки километрча ҳудудни эгаллаган.

Конигил водийси XIV-XV асрларда яъни Амир Темур замонида айниқса гуллаб-яшнаган ва машҳур бўлган. Бу даврда бунёдкор бобомиз Конигилга яқин Сиёб ариғи бўйида машҳур Боғи Наҳши Жаҳонни бунёд эттан, саройлар, ҳашаматли бинолар, чодирлар қурдирган. Шунингдек, бу гўзал майдонда ҳунар ва савдо билан шуғулланувчи ҳамда кўргазмалар учун махсус расталар ташкил этилган. Амир Темур, Мирзо Бобур ва бошқа саркардалар Конигил майдонида ўз қўшинлари жангаворларини кўрик-синовдан ўтказиб турганлар, хорижий элчилар ва меҳмонларни шу ерда қабул қилганлар, ҳарбий кенгашлар ўтказиб турганлар. Конигил майдонидаги тадбирлар, тантаналар, байрамлар, сайллар вақтида кўча ва майдончалар чодиру айвонларга тўлиб, уларнинг олдига хилма-хил моллар ёйиб қўйилган, безатилган саҳналарда созандалар куй чалиб, ашулалар айтилган. Масхарабоз ва дарбозлар ўз санъатларини томошабинларга намойиш этганлар, кўзбойлағичлар, полвонлар, раққослар катта томошалар кўрсатганлар. Тарихий Конигил майдонидаги байрам тантаналарига дунёнинг етти иқлим мамлакатларидан, жумладан Мўғулистон, Ҳиндистон, Хитой, Москва ва дашти Қипчоқдан, Миср ва Суриядан, Испаниядан, Византиядан ва Румдан, Хуросон ва Эрондан, Қобул ва Мозандарондан, Боғдоддан шаҳзодалар ва элчилар таклиф этилганлар. Қадимий Самарқандга ташриф буюрган элчилар ва меҳмонлар юртимиз тарихи, маданияти, санъати меъморий обидалари, аҳолининг урф-одати, турмуш тарзи, касб-кори ва ниҳоят халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги билан яқиндан таниш бўлиб, қойил қолганлар.

Конигил ёнида, Сиёб ариғи бўйида жойлашган кўкламзор, Оромбахш Конигил масканида Самарқанд ҳукмдорлари ҳар йили ёз ойларида дам олишган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, XIV-XV асрларда Самарқандаги ҳунармандчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири ёзув қоғози ишлаб чиқариш бўлган. Самарқандининг турли нав қоғози минг йилдан кўпроқ вақт давомида яъни VIII аср ўрталаридан, айрим маълумотларга кўра VII аср охирларидан то XIX асрнинг иккинчи яримларигача Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда, шунингдек, Европада маълум ва машҳур бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Самарқанд қоғозига юқори баҳо бериб, **«Оламда яхши қоғоз Самарқандин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдан келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадирким, бу қора сувни Обирахмат ҳам дерлар»** - деб ёзган эди. Ўзининг силлиқлиги, сифатлилиги айниқса юпқа ва нафислиги билан ажралиб турадиган бу қоғозлар Конигилдан Сиёб ариғида жойлашган жувозларда тайёрланган ва етти иқлим мамлакатларига ёзув қоғози сифатида чиқарилган.

Амир Темур ҳар йили кузда тарихий ва гўзал Конигил майдонида Самарқанд ҳунармандлари тайёрлаган буюмлар кўргазмасини ташкил этиб турган. Бунёдкор бобомиз Амир Темур кўргазмада ҳунармандчилик соҳаларини синчиклаб ўрганган, ҳар йили ўзига хос ҳунармандчилик буюмлари сифати ва сонига қараб, ҳунармандчилик соҳасини қай даражада ривожланаётганлиги, ёки бирор-бир соҳаси сифатсиз маҳсулот тайёрлаётганлигини кузатар эди.

Шундай қилиб, кўкламзор ва гўзал Конигил водийси нафақат кулолчилик учун муҳим хомашё манбаи-Гил кони бўлибгина қолмай балки, дам оладиган оромбахш жой, сифатли ёзув қоғози ишлаб чиқарадиган устахоналар маскани, хорижий элчилар ва меҳмонларни қабул қиладиган, турли учрашувлар, тантаналар, сайиллар, тўй-томошалар мунтазам ўтказилиб туриладиган тарихий бир жой экан. Бу ҳақда ўша замонларда тарихчилардан ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий ҳамда Амир Темур саройида бир неча бор бўлган, ўтказилган тантаналарда қатнашган Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихолар қиммати ва қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ.

Хотира уйғонса гўзалдир!

Машҳур ўзбек драматурги, атоқли театр намояндаси, шоир ва таржимон Шамсиддин Шарофиддинов Хуршид таваллуд топганига 110 йил тўлди. Ёши Тошкентда туғилиб ўсди, ижод бўстонига эрта кириб келди, дастлабки шеърларини 13 ёшидан бошлаб, Яссавий, Жомий, Навоий назмиёти таъсирида яратди.

ХУРШИДНИ ЁД ЭТИБ...

Ёш шоирнинг ғазал бўстонига тепапоя қилишида ҳофиз Шерозий, Фузулий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Камий Шошийлар назмининг таъсири ҳам салмоқли бўлди. У ўзининг лирик шеърлари, ғазаллари билан эл орасида тез танилди, шу даврнинг "шоири машҳур"лари қаторидан жой олди. Шамсиддин Шарофиддинов шу даврларда "Шукрий", "Хуршид Шараф" тахаллуслари билан ҳам шеърлар, ҳажвиялар ёзди; унинг публицистик мақолалари, шеърлари газета, журналларда босилиб турди. Хуршид ўзбек халқ куйларини, "Шашмақом"ни мукаммал биларди ва унинг барча шўъбаларига боғлаб ғўзал, фусункор, пурмазмун, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган ўз ғазалларини яратган эдики, "Дуғоҳ", "Сегоҳ", "Чоргоҳ", "Ушшоқ", "Баёт", "Фиғон", "Гиря", "Ироқ", "Сувора"лар халқ мусиқий-қўшиқчилик санъати, ижрочилик маданиятининг ноёб дурдоналари сифатида маънавий меросимиз хазинасидан муносиб ўринни эгаллаган.

Хуршид XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатининг Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Ҳожи Муин, Бадрий, Ҳамза, Ғулом Зафарий, Чўлпон, Ғози Юнуслар сингари қалдирғоч намояндаларидан эди. Драматург Хуршид 30 дан ортиқ катта ва кичик ҳажмдаги пьесалар яратди.

XX асрнинг 20 йиллари бошида халқ маданий меросига мумтоз шоирлар асарларига сиёсий-мафкуравий хужумлар авж олган пайтларда, Хуршид театр санъати тарихида биринчи бўлиб, буюк Алишер Навоий достонлари қаҳрамонларини саҳнага олиб чиқди ва ўзбек драматургиясида дастлабки шеърий пьесаларни ёзиб, жаҳон "саҳна навоийномаси"га асос солиб берди. Хуршид жаҳон, Ғарб, Шарқ, рус халқлари драматургларининг 20 дан зиёд пьесаларини ўзбек тилига таржима қилди. М.Муҳамедов, Э.Юнгвальд-Хилькевич, З.Қобулов, Камол І, Ҳамроев, А.Бакиров, А.Жўраев каби атоқли режиссёрлар томонидан саҳналаштирилди ва спектакллардаги ролларни жуда кўп машҳур санъаткорлар, ижодкор ёшлар ижро этдилар. Хуршид ҳофиз Шерозий шеърларини ҳам ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.

Шамсиддин Шарофиддинов Хуршидга адабиётимиз, театр санъатимиз, драматургиямиз, мусиқий маданиятимиз, маърифатчилигимиз равнақи йўлидаги улкан хизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" фахрий унвони берилди. Истиқлол боис халқ санъаткорининг номи, ижодиёти янада эъзозланиб, қадрланмоқда. XX асрнинг "шахсга сиғиниш" йилларида ноҳақ айбланиб, азиятлар чеккан Хуршид адолатли кунлар келишига ишониб, шундай дея ёзганди:

Толеинг уйғонгуси Хуршид, унга йўқдир гумон,
Ҳар қаро тун сўнгида тонг отди, чиқди офтоб...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Бу ҳаёт китоби сермаъно, улкан,
Ҳар авлод ўзига керагин олган!..
Шуҳрат.
("Ҳали тун узоқ" китобидан).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим, адиб ва санъаткорлар "БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ордени билан мукофотланган эди.
Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов) ҳам бор эди.

ОЗОД ҚАЛБ

ЁЗУВЧИ ШУҲРАТНИНГ ҲИБСДАГИ ҲАЁТИ

Қирқинчи йиллар охири, эллигинчи йиллар бошида йигирмага яқин кўзга кўринган ўзбек зиёлилари ҳибсга олинди, улар махфий суд қилиниб, узоқ муддатларга сургунга жўнатилди. Даҳшатли томони шундаки, ҳукм ҳам, сургун жойи ҳам махфий сақланган, ҳеч кимга билдирилмаган.

Маҳбус йигитларнинг зор қақшаб қолган оналари Аллоҳга илтижо қилиб, "Эй Худойим! Борса-келмасга кетиб, банди зиндон бўлиб юрган боламнинг мушкулини Ўзинг осон қил!" деб йиғлар эди... Мудҳиш ҳибс ва сургун уқубатларини бошидан кечириб, яна соғ-саломат Ватанга қайтган адиблардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат эди...

Котиб: Мирзо КЕНЖАБЕК

1. ИЖОД БОҒИДАГИ СУҲБАТЛАР...

(Котиб муқаддимаси)

1988 йилнинг куз ойларида Дўрмонда ёзувчилар ижод чоғида Шуҳрат аканинг оғзидан ушбу хотираларни узиб юрганимда ҳали мустамлака даври эди. Архивларда 30-50-йилларга оид ғаройиб маълумот кўп, лекин мен ўша мудҳиш қатағон йилларини бошидан кечирган тирик инсоннинг ўзидан қиссалар эшитишга муштоқ эдим. Адабиётдаги ёлғонлар кўплар қатори мени ҳам безор қилган эди.

Табиатан шижоатли Шуҳрат ака, оғир бетобликдан сўнг, шу вақт анча заифлашиб, дудуқланиб қолган, нутқини ҳар ким тушунмас, ишоратлар билан гаплашилар эди. Суҳбат асносида мен гапларини тушунадиган бўлиб қолдим ва... ўтмиш воқеаларини ёзувчи хаёлан тартибга солиб бораётганини англадим. Лекин бетоблик ва кексалик туфайли бўлса керак, баъзан фикрлар чалкашиб, баъзан мухталиф чиқиб қолар эди... ўзи узолмайди, бировга айтиб уздиролмайди... Ана шундай пайтда мен адибнинг хасратини қоғозга туширдим.

Қиссадаги воқеаларни ёзиш вақтида Шуҳрат аканинг журъати ҳам, ғайрати ҳам етар, аммо тузум қолипига сиғмаганидан, адиб буни лозим кўрмаганди. Фақат у мудҳиш воқеаларнинг баъзи бўлаклари давр сиғдирган миқдорда адибнинг асарларига кўчди, холос. Баъзи адабиётшунос дўстлари: "Олтин зангламас" асарида тавсифланган Содиқ — Шуҳратнинг ўзи!", деб таъкидлашади.

Ижод боғида Шукур Холмирзаев билан Усмон Азим яхши таърифлари билан мени Шуҳрат акага дўст қилиб қўйдилар. Оғизларидан воқеаларни ёзаётган пайтимда ҳам "Яхши иш қиляпсиз!", деб менга далда бериб турдилар.

Шукур Холмирзаев Шуҳрат аканинг шахсий шижоати, ўктамлиги, тантилигини ҳурмат қилса, Усмон Азим у кишини адабиёт оламида ўзига илк оқ йўл тилаган устоз сифатида қадрлар эди. Шукур ака ёзади:

"Шуҳрат аканинг номларини тилга олишим билан кўз олдимда бақувват, барваста, оппоқ сочлари силлиқ таралган, кўкраги қалқондек мағрур ва ҳаракатчан инсон келади".

Оппоқ сочда эса сир кўп. Бу мардоналик қорларидир. Шуҳрат ака буни зарофат билан ифодалаган:

Мардона бўлмоқнинг
иложи борми?
Эй Тақдир, супургил
бошимдан қорни!

Қиссанинг бир қисми оққа кўчирилиб, бир қисми дафтар, қоғозларда қолган эди. Сўнгги йилларда дунё ҳаётоти, умр моҳияти ва адабиёт ҳақида фикрларга толиб, бу асар билан шуғуллансам, беҳуда гап бўлиб қолмасмикин, деб хавотирландим, чунки охиратдаги биринчи савол умрдан бўлади: умрингни нима билан кечирдинг? Вақтинг қандай ўтди?.. Лекин ўйлаб қарасам, ҳар ишда бир ҳикмат бор экан: бу қиссани ўқиганлар худосизлик салтанати, даҳрийлик тузуми одамзотнинг бошига қандай кулфат-мусибатлар солиши мумкинлигини, зўравонликка асосланган тузум узоққа бормаслигини тафаккур қиладилар, албатта. Шу умид менга таскин бўлиб, ёзувчи акаларнинг, айниқса, Омон Мухторнинг қистов-ундовлари билан қайта ишга киришдим.

Шуҳрат ака бу қиссанинг нашридан умидвор эди. У илк марта расман тилга олинди. Адибнинг ўғли Бобур Алимов айтади:

"Энди билсам, адам жуда кучли ирода эгаси эканлар. Қамалиб кетаётиб ҳам, Қозоғистон лагерларида ётиб ҳам, оқланиб келиб ҳам, йиғламаган одам... мана энди бутун республика миқёсидаги катта бир йиғинда бу ноҳақлик, зулм эътироф этилаётганидан... кўзлари жиндек намланиб, келиб, менга бир нарсалар демоқчи бўлардилар. Шу дамда ҳатто мен ўзимни тутолмай қолган, ичимдан бир нима тўлиб-тошиб кела бошлаган эди. Шоирнинг, адибнинг юрагини вайрон қилган ноҳақлик ўз номи билан аталмоқда эди. Зулмга лаънат ўқилмоқда эди. Миллат гулларини адо қилган адолатсизлик ўз баҳосини олмоқда эди. Бунақа вақтда, наинки зулм кўрган инсон, барча пок кишиларнинг кўзига ҳам ёш келгай".

Бобур айтган адолатсизликни Шуҳрат ака шеърида яшурин ифодалаб кетган:

Кун ботиб, тонг отиб
келгунга қадар
Қанча боғ соврилиб, қанча
гул битар!
Кун ботиб, тонг отди. Аммо
не-не боғлар қани?
Не-не гуллар қани?

Бас, бу қиссада асосан адибнинг қамоқдаги ҳаёти қамралди.

Етмишинчи йилларнинг ўртасида Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиб юрганимда адиблар билан талабалар учрашуви бўлиб, Шуҳрат акани биринчи марта ўшанда кўрган эдим: ҳақиқатан, у киши шижоатли нотиқ эди. Бир гапи эсимда қолган: «Уруш йилларида атрофни ёритиб, жангга халал бергани учун ойни сўкар эдик!» деган эди. Албатта, яралмиш ойни сўкиш дуруст эмас. Аммо хулоса қизиқ: ой тинчликка, шеъриятга, ошиқликка ярашар экан!.. Ўшанда таъсирланиб, бу гапни ўзимча шеър қилган эдим...

Энди эса ўша шижоат Шуҳрат аканинг дилига қамалган: ғайрати бор-у, қуввати йўқ...

Бу жисмоний ва маънавий қирғин йилларини ўйлар эканман, атоқли бир олимнинг сўзи ёдимга тушади: Ўша фалон-фалон деган кимсалар ҳам аслида бузуқ ва золим бир жамият қурамиз, деган эмас, инсонларни бахтиёр қиладиган бир жамият тузамиз, деб ўйлаган. Лекин уларнинг ишида ҳикмат йўқ эди, чунки улар Худодан қўрқмас эди. Уларда охират қўрқинчи, охират фикри йўқ эди. Ҳолбуки, ҳазрат пайғамбаримиз (У зотга Аллоҳнинг саломлари бўлсин) инсониятни энг муҳим нарсадан огоҳлантирганлар: «Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишдур!» Аллоҳдан қўрқмаган шахснинг ҳаётида ҳикмат йўқ, ҳикматсиз фаолият эса ўлимга маҳкум...

Адабиётни кузатсангиз, баъзи хотиранавислар ёдномаси марказида қаламкашнинг "мен"и туради. Бир жиҳатдан, бу табиийга ўхшайди. Аммо ёдномадан мақсад ўзини мақташ бўлмаслиги керак, менимча. Шуҳрат ака қиссасининг ажиб томони шундаки, унда атроф-муҳит: халқлар, миллатлар, шахслар мусибати бир ўқ атрофида айланади. Адиб шахси бошқа тақдирлар фожиаси қуршовида намоён бўлади.

Хуллас, мен умумлашма бир образ тўқимадим. Мазлумлар кечинмасини содда ва самимий ҳолида ўқувчига тақдим этдим...

Яна очиқ айтишим керак: бу қиссани ҳужжатли асар деб даъво қилолмайман. Чунки бу оғзаки нақлга асосланган. Шуҳрат аканинг сўзларини баъзи мавжуд маълумотлар, сафдошларининг суҳбатлари билан қиёслаб, изоҳлар билан баён этсам-да, инсон ожиз банда, унутиши, қўшимча ва муболағалар қилиши мумкин. Шунинг учун китобхонлар мендан тарихий далиллар талаб қилмаслар, деб умид қиламан. Бундан ташқари, мен мавзуга мос сарлавҳалар қўйдим, муҳим етакчи сўзлар (эпиграфлар) танладим, шарҳ ва иловалар киритдим. Шуҳрат ака ёзганидек:

Ёлғонни сўзлашдан ўзинг
тий, тилим,
Ҳукмингни жорий эт, эй
тоза дилим!

Қиссанинг номи ҳақида. Нақл қилишларича, Абдулла Қодирий илк бор қамалиб чиққач, "Энди бу кунларни ҳам "Ўтган кунлар"дек ёзинг!", дейишади. Адиб ҳасратли ўйга толиб: "Буни "Ўтмаган кунлар" деб ёзаман", дейди. (Яъни, қора кунлар, бахтсиз кунлар демоқчи адиб). Мен бу нақлдан таъсирланиб, китобнинг номини дастлаб "Ўтмаган кунлар" деб қўйдим. Кейин "Зулм салтанати". "Қафасдаги озодлик". "Ҳибсдаги ҳаёт" деб номлаб кўрдим. Бўлмади. Охири, ҳар қандай зулм ичида ҳам инсоннинг қалби барибир озод-ку, деган хулосага келдим ва китобни "Озод қалб" деб аташга қарор қилдим. Шуҳрат ака назмда айтганидек:

Бу ҳаёт китоби сермаъно, улкан,
Ҳар авлод ўзига керагин олган!

Бу сўз умуман ҳаёт китоби ҳақида, бизнинг ожизона қиссамиз ҳақида эмас.

Қолган гапларни Шуҳрат аканинг ўзидан эшитайлик.

(Давоми бор.)

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда ҳеч ким билан «шох ташлашмайсиз», шунинг учун режаларни аниқ белгилаб олингу, олға босинг. Омад сиз томонда.

СИГИР(22.0420.05)

Агар икки кун олдин, яъни ҳафта бошида тўғри йўналиш танлаган бўлсангиз, бунинг натижасини бугуноқ ҳис қиласиз. Имкониятларни бой берманг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Бошлаган юмушларингизни охирига етказмагунча, янгисига қўл урмай туринг. Ҳам ўзингизни толиқтирасиз, ҳам ишнинг сифати кетади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда шахсий ҳаётингизда ҳам, фаолиятингизда ҳам нимага қўл урманг, ишларингиз бароридан келаверади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Агарда оилавий аъзоларингиз қувватлаб турсалар, айни кунларда бошлайдиган ишларингиз кейинчалик катта ва фойдали тадбирга айланиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Асосий юмушларни дам олиш кунларигача уддалаб олишга ҳаракат қилинг. Шанба, якшанба куни том маънода ҳордиқ чиқаринг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Режадан ташқари, кутилмаган вазиятлар юз бемайди. Сиз учун шу кунларда спорт машғулотлари билан шуғулланиш фойдалидир.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Келаси чоршанбагача шахсий ёки оилавий муаммоларга кўмилиб кетасиз. Ҳаммаси ҳам майликуя, лекин рашкка берилиш сизга кўп ташвиш келтиради.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда соғлиғингизга кўпроқ эътибор қаратишингизга, бунинг учун бир мунча сарф-ҳаражатлар ҳам қилишга тўғри келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сизнинг йиллик ғайрат-шижоатингиз тугаб бормоқда. Шунинг учун ўзингизни ортиқча уринтирмай, кундалик юмушлар билан банд бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳар қандай аҳамиятга молик музокараларни фақат иш кунларида амалга оширинг. Дам олиш кунлари сиз учун турли ёқимли-ёқимсиз воқеаларга бой бўлади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни шу кунларда турли ғийбат ва мишмиш гаплар иштирокчиси бўлиб қолишдан сақланиш сиз учун жуда муҳим. Шунда бошқа ишларингиз жойида бўлади.

БУХОРО ЗАРДЎЗЛИГИ

унинг океан ортида ҳам харидорлари бор эди

Бухоро зардўзлиги асрлар оша авлоддан авлодга мерос бўлиб келмоқда. Бу санъатнинг бардавомлигида зардўзлик мактабининг ҳиссаси катта. Яқинда Бухоро зардўзлик ҳиссадорлик жамияти чеварлари Женевада ўтказилган "Тадбиркор аёллар" танловида ўз истеъдод намуналари билан совринли ўринларни эгаллаб қайтдилар. Айни пайтда чеварлар АҚШлик харидорлардан катта миқдорда буюртма олишган.

Суратда: *зардўз-чевар Феруза ТОҒАЕВА.*

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мутахассис таклифи

ШАХСИЙ ФИКР – УМУМИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК

Қадимдан халқимиз оиладаги айрим келишмовчиликларни маҳалла аҳлининг муҳокамасига ташлаганлар, айниқса, никоҳдан ажраш, мерос, уй-жой, ер-сув билан боғлиқ можароларни ҳал этиш ҳар икки томонларнинг обрўли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилари томонидан ҳал этилган. Агар низоли иш маҳаллада ҳал этилмаса, қозиларга мурожаат этилган. Демак, одамларнинг ҳаётий ва мулкий низоларини ҳал этишнинг биринчи босқичи маҳалла бўлиб келган.

Ҳозирда ҳам кўпчилик замондошларимиз тўғридан-тўғри судга мурожаат этишни ўзлари учун номуносиб ишга йўйишади. Чунки бизнинг халқимизда "фалончи судлашиб юрибди" деган хабар кўпинча салбий қабул қилинади. Судлашиш нафақат шу инсонларнинг обрўсига, шу билан бир қаторда уларнинг оиласига фарзандлари тақдирига ҳам таъсир қилиши сир эмас.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолиятига доир бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Уларда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари кўрсатиб берилган. Улар — демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборат дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссияси тузиш тўғрисида янги қоида киритилди. Амалда маҳаллаларда бу тартиб қўлланиб келинаётган бўлса-да, эндиликда буни қонун ҳужжатида белгилаб қўйилиши бу амалиётни янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Бизнингча, ушбу қоидани янада ривожлантириш мақсадида ҳамда суд тизимини ислоҳ қилишга қаратилган тадбир сифатида олиб бориладиган ишлар жумласига киритиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, маҳаллалар қошида ташкил этилган яраштирув комиссиясининг ваколатини кенгайтирган ҳолда унинг номи "Маҳалла суди", деб ўзгартирилса янада тўғрироқ бўлар эди.

"Маҳалла суди"нинг ваколатига маҳалладош фуқаролар ўртасидаги кичик жиноий, оилавий меҳнат низолари, уй-жой, солиқ билан боғлиқ, тўловлар, ердан фойдаланиш, турли мулкий олди-сотди низоларини кўриб чиқиши кабилар киритилса, қоғозбозлик ҳолатлари ҳам барҳам топиши мумкин.

Маҳалла йиғини раиси бир вақтнинг ўзида бу ўринда ҳам бош вазифани бажариши лозим. Бу эса Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фуқаролик жамиятини қуришда давлатга оид айрим ишларни маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат ташкилотларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни тақозо этмоқда.

Айнан бундай ёндашув ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётини бошқаришда кенг иштирок этишлари учун имконият яратади.

Республикамизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг дастлабки босқичида бу масалани чуқур ўрганиб чиқиш ва тажриба сифатида айрим маҳаллаларда синаб кўриш лозим.

Ишонамизки, бу тажриба, айниқса, маҳаллий аҳоли ўртасида ижобий натижалар беради.

Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ,
Республикада хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор.

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна учун уюштирувчи таҳририят мукофоти бор!



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар таҳририятга тақдим этилади.

ТАҲРИРИЯТ

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБ томонидан 2003 йилда «Обод қурилиш сервис» шўъба корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан хусусий тадбиркор «KHALKHODJAEV SAIDAKHMADKHODJAQOBILKHODJAEVICH» номига 2003 йилда берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани «Абай» ширкат хўжалигида жойлашган «SHARQ AGRO SERVIS» МЧЖ тугатилади. Даъво аризалар икки ой муддат ичида қабул қилинади.
тел. 114-47-80

Емец Елена Матвеевна номига берилган уйга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи 10-01/18501 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Х.Содиқов чизган.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4832 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-0023 Топширилди—